O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1998 йил 18 июль, шанба ● № 56 (11.039) ● Эркин нархда сотилади



## ВИЛОЯТ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

***Мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш учун меҳнат қилаётган вилоятимиз деҳқонлари маррага етдилар. Давлат омборларига 230 минг тоннадан ортиқ сара дон етказиб берилди***

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар ўзининг самараларини бермоқда. Буни вилоятимиз ғаллачилигида эришилган натижалар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Тармоқда ишни янгича ташкил этиш, сара уруғ экиш, парвариш ва ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиш туфайли вилоятда бу йил бошоқли дон экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди. Натижада ғалла топшириш давлат режаси қисқа муддатда бажарилди. Энг муҳими ишни бошдан пухта ташкил этиш, жойларда белгиланган тадбирнинг бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш ҳар гектар майдондан ўтган йиллардагига нисбатан 10-12 центнердан кўп ҳосил олиш имконини берди.

Эришилган ғалабага вилоятнинг барча туманлари муносиб ҳисса қўшдилар. Чиноз, Тошкент, Зангиота, Қибрай, Янгийўл, Бекобод, Оққўрғон, Пскент туманлари ғаллакорлари зиммаларидаги топшириқни барвақт бажариб, барчага ибрат бўлдилар. Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ, Оҳангарон ва Бўка туманларининг деҳқонлари ҳам марра сари дадил одимламоқдалар.

1998 йилги ғалла мавсумида вилоятимиздаги 70 дан ортиқ хўжалик ҳар гектар ердан 38-40 центнердан ошириб ғалла ҳосили олди. Юздан ортиқ бригада ва оилавий пудрат жамоалари 50—60 центнерга етказиб хирмон кўтардилар. Чиноз туманидаги Амир Темур номли, Собир Раҳимов номли, Ўртачирчиқ туманидаги "Ўзбекистон", Пскент туманидаги Ислиддин Ҳайдаров номли, Юқоричирчиқ туманидаги "Ўзбекистон", "Гулистон", "Дўстлик", "Юқоричирчиқ", Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли, Тошкент туманидаги Охунбобоев номли, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли, "Ўзбекистон", Паркент туманидаги "Қорақалпоқ", Қибрай туманидаги "Дўрмон", "Турон", "Байтқўрғон", Зангиота туманидаги "Бўзсув", "Эркин", "Наврўз", Бўстонлиқ туманидаги "Енбек", Оҳангарон туманидаги "Янги ҳаёт" хўжаликлари деҳқонлари эришган натижалар, айниқса, салмоқли бўлди.

Далаларда етиштирилган бошоқли дон экинларини нобудгарчиликсиз қисқа муддатда ўриб-йиғиб олишда механизаторлар кўрсатган жасорат ҳам таҳсинга лойиқдир. Бу йил далаларда 74 та "Кейс", 565 та "Нива" ва "Енисей" комбайнлари тўла қувват билан ишлатилди. "Кейс" комбайнларининг ўртача иш унуми 20—22 гектарни ташкил этди.

Ғаллакорларимиз эришган муваффақиятга шаҳарлар меҳнаткашлари, саноат корхоналари, бир қатор бошқарма ва автокорхоналар жамоалари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар деҳқонларимизга ҳақиқий елкадош бўлдилар. Савдо, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат ходимлари ўзларининг хизматлари, ширин сўзлари билан ғаллакорларнинг руҳини кўтардилар. Лўнда қилиб айтганда вилоят ҳокимлиги томонидан ғалла етиштириш ва ўрим-йиғимни ташкил этиш юзасидан белгиланган тадбирлар ва устивор йўналишлар ўзининг самарасини берди.

Зафар маррасига етган вилоят ғаллакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлат режасига қўшимча яна 10 минг тонна ғалла топширишга ва умумий хирмонни 240 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар. Бу вилоятимиз деҳқонларининг мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб совғалари бўлади.

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз ҳаётимизда чуқур из қолдирмоқда. Истиқлолимизнинг етти йиллиги нишонланадиган 1998 йил, ўйлайманки, бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Айни кунларда ҳамма жойда бўлгани сингари Тошкент вилоятида ҳам бу қутлуғ байрамга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оила манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш, республика Президенти ва ҳукуматининг халқ турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган фармон ва қарорларини амалга ошириш — ўтаётган йилимизнинг устувор вазифалари бўлиб қолмоқда.

Вилоятда ана шу йўналишлардаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган ўндан ортиқ дастур ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда барча шаҳар ва туманларда уларнинг ижросини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Яқинда вилоятда 1998 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, ислоҳотларнинг бориши ва олдимизда турган энг муҳим вазифаларнинг таҳлилига бағишланган фаоллар йиғилиши бу борада салмоқли натижаларга эришилаётганлигини кўрсатди. Хусусан, саноатда ўсиш суръатлари 104,0 фоизни ташкил этди. Хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан белгиланган вазифалар ҳам бажарилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллик йилларида иқтисодий ислоҳотларни устувор деб ҳисоблаётганимиз, бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантираётганимиз, республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятлари, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзи, маънавий-маърифий ривожланиш йўлимизнинг нақадар тўғри танлаб олинганлиги натижасидир.

Лўнда қилиб айтганда ислоҳотлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўзининг самараларини бермоқда. Мана шу эришилаётган муваффақиятларда сўзсиз етакчи тармоқ — аграр секторнинг аҳамияти жуда каттадир. Шунинг учун ҳам республикамиз Президенти ва ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, бу тармоқдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, айниқса, катта аҳамият бермоқда. Дадил айтиш мумкинки, республика Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида бевосита қишлоқ хўжалиги ривожига қаратилган тўрт қонуннинг қабул қилиниши ана шу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаб берди.

Вилоят ҳокимлиги қабул қилинган қарор ва қонунлардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган махсус дастур ва чора-тадбирлар ишлаб чиқди. 2000 йилга мўлжалланган бу дастурда бир қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди. Аввало қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш, чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, яъни ердан оқилона фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини таъминлаш, селекция ва уруғчилик ишларини ривожлантириш, чорвачиликдаги аҳволни барқарорлаштириш, қишлоқ хўжалиги моддий-техника таъминоти ва сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, тармоқда молия ва кредит муносабатлари ҳамда ҳисоб-китобларни соғломлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини илмий жиҳатдан таъминлаш ва уларни етук кадрлар билан мустаҳкамлаш сингари кенг кўламли вазифалар белгилаб олиндики, буларнинг ҳаммаси вилоят аграр секторини ривожлантириш ва ислоҳ қилишда устувор вазифалар бўлиб қолмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, вилоятда бу борада дастлабки самараларга эришилди. Энг муҳими одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати ўзгариб бормоқда. Деҳқонда соҳиблик ҳисси шаклланмоқда. 1998 йилнинг ўтган ярим йилида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,9 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилганлиги буни яққол кўрсатиб турипти. Бошқача айтганда сабзавотнинг 67,5 фоизи, картошканинг 72 фоизи, гўштнинг 89,0 фоизи, сутнинг 88,7 фоизи шахсий ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Умуман, ўтган ярим йилликда аграр тармоқда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,8 фоизга ўсди.

***Эркин РЎЗИЕВ,***
***Тошкент вилояти ҳокими,***
***Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати***

Республикамиз Президенти қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш масалалари ҳақида гапирар эканлар, доимо бир нарсани — қишлоқда хўжалик юритишнинг шундай механизмини вужудга келтириш кераккки, у ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, етиштирган маҳсулотини мустақил тасарруф этиш, ўз оиласининг маъмурчилигини таъминлаш имконини бериши лозимлигини алоҳида таъкидлайдилар. Бу сўзларнинг ниҳоятда тўғри эканлигини ҳаёт исботламоқда. Ўтган бир ярим йил давомида вилоятдаги пахтачиликда ишлаётган хўжаликларнинг 82 фоизи, ғаллачиликда ишлаётган жамоаларнинг 80,6 фоизи хўжалик юритишнинг оилавий пудрат усулига ўтди. 72 та қишлоқ хўжалиги ширкати, 25 та деҳқон-фермерлар уюшмаси, оилавий пудратга асосланган 157 та хўжалик шартнома асосида фаолият кўрсатмоқда. Деҳқон-фермер хўжаликлари сони 2828 тага етди. Уларга қарийб 36,7 минг гектар ер ажратиб берилди. 2530 гектар боғ майдонлари оилавий пудрат аъзоларига топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу жараён буйруқбозлик асосида ёки кўр-кўрона эмас, жамоа аъзоларининг ўз хоҳиш-иродаси билан амалга ошди. У нима берди? Биринчи навбатда ерга, деҳқончиликка муносабат ўзгарди, иккинчидан, экинлар ҳосилдорлиги кўтарилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

Буни вилоят ғаллачилигида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоят ғаллакорлари бу йил 115 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирдилар. Ҳозиргача омборларга 230 минг тоннадан ортиқ дон етказиб бериб, давлат буюртмаси — режасини бажардилар.

Юқорида айтганимдек, вилоятда ғаллачиликка бўлган муносабатнинг ўзгариши, дончиликни ривожлантириш бўйича стратегик йўналишнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши — уруғчилик, парвариш, агротехника ва ўрим-йиғим ишларига янгича ёндошилганлиги туфайли бир йил ичида ҳар гектар ердан олинган ғалла ҳосили 12 центнерга ошди.

Эришилган бу ютуққа Чиноз, Янгийўл, Бекобод, Тошкент, Зангиота, Қибрай, Ўртачирчиқ, Пскент, Оққўрғон, Юқоричирчиқ туманларининг ғаллакорлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент, Қуйичирчиқ, Бўка туманлари деҳқонлари ҳам марра сари дадил бормоқдалар.

1998 йил ғалла мавсуми вилоятимизда бир қатор илғор хўжаликлар ва ғаллакорларни кашф этди. 70дан ортиқ хўжаликда ҳар гектар ердан 38-40 центнердан ошириб ҳосил олинди. Юздан ортиқ пудратчи бригадалар ва жамоалар ўртача 50-60 центнердан хирмон кўтардилар.

Халқимизда қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган гап бор. Бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шу бўлдики, ғалла экилган кундан бошлаб ўрим-йиғимгача вилоятдаги барча корхона, ташкилотлар, бўлим ва бошқармалар, шаҳар ҳокимликлари деҳқонларимизга ҳақиқий мададкор бўлишди. Маданият, соғлиқни сақлаш, маърифат ходимлари, савдо идоралари ҳам бу умумишдан четда қолмадилар. Биз бугун барча шаҳарларнинг меҳнаткашларига, йирик корхоналарнинг жамоаларига мавжуд техника воситаларининг тўхтовсиз ишлашини таъминлашга катта ҳисса қўшган таъмирлаш идораларига, вилоят нефть маҳсулотлари бирлашмасига, ризқ-рўзимизни ўз вақтида омборларга ташиб берган "Вилоятюктранс" бирлашмаси раҳбарлари ва ишчи-хизматчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирсак арзийди.

Мен вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларининг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар нафақат ўрим-йиғимда, балки, ерга ғалла уруғи ташланган кундан бошлаб уни пайҳон ва нобуд бўлишдан асрадилар, ғалланинг талон-торож қилинишига йўл қўймадилар. Деҳқонлар билан ёнма-ён ҳаракат қилдилар. ДАН ходимлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситаларининг ўз вақтида манзилларига етиб олишида хизмат қилдилар.

Бир сўз билан айтганда вилоятда ғалла етиштириш, парваришлаш ва уни ўриб-йиғиб олиш юзасидан белгиланган стратегик вазифалар ва тадбирлар бекаму-кўст ишлади. Ана шунинг натижасида қисқа муддат — бир ойда давлат буюртма режаси бажарилди. Айни кунларда қолган майдонлардаги ҳосилни нобудгарчиликсиз ўриб-йиғиб олиш жадал давом этмоқда.

Ғаллачиликда эришилган бугунги муваффақият бошланган катта ишларнинг дебочаси, холос. Биз вилоят қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш йўлидан борар эканмиз, ҳали бу соҳада жуда катта ички имкониятлар мавжудлигини яхши биламиз. Хусусан, 2000 йилгача белгиланган дастурга мувофиқ, биз, бошоқли дон экинларининг ялпи ҳосилини суғориладиган майдонларнинг ўзида 400 минг тоннага етказишни мўлжалламоқдамиз. Бунинг заминида майдонларда гектаридан кам деганда ҳосилдорликни 40 центнерга етказишдир. Шунингдек, лалмикор ерлардан ҳам ўртача 11-12 центердан ҳосил олишимиз зарур. Бунинг имконияти бор. Биринчи навбатда ғалла уруғчилиги билан жиддий шуғулланишимиз керак. Бу иш бошланди. Вилоят тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган дон экинлари навлари уруғини кўпайтириш мақсадида махсус уруғчилик хўжаликлари ташкил этилмоқда. Иккинчи навбатда бошоқли дон экинлари парваришини ташкил этишда олимлар билан ҳамкорликни кенгайтирамиз, илғор хўжаликларнинг ва жамоаларнинг тажрибасини оммалаштириш ҳам ана шу вазифаларнинг биридир.

Умуман, келгусида вилоят қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг 2000 йилгача мўлжалланган дастурининг амалга оширилиши бизга нафақат ғаллачиликда, балки, пахтачилик, сабзавотчилик ва бошқа соҳаларда ҳам кескин бурилиш ясаш имконини беради. Бизнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги бош йўлимиз ана шундан иборатдир.

Амалга оширилаётган ва оширилмоқчи бўлган бу кенг жабҳадаги ишларимизнинг замирида битта нарса — одамлар, деҳқон манфаати ётипти. Зеро, Президентимиз айтганларидек, инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун хизмат қилмоғи керак. Бугун ғаллакорларимиз юзлари ёруғ бўлиб, режани бажариб, мўмай даромад қилган эканлар, эртага уларнинг ҳаёти яхшиланади, оилаларига қут-барака киради. Бошқа тармоқларда эришилган муваффақиятлар ҳам пировардида қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини оширишга олиб келади.

Вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш дастурини белгилар экан, масаланинг ана шу жиҳатига ҳам алоҳида аҳамият бермоқда. Хусусан, 2000 йилгача қишлоқ жойларида 928 минг квадрат метр янги уй-жойлар барпо этилади. 180 ўринли янги шифохоналар, 35та қишлоқ даволаш муассасалари, 11 минг ўқувчини ўз бағрига оладиган янги мактаблар қурилади. 1500 километрлик газ қувурлари, 331 километрлик ичимлик сув тармоқлари — қишлоқ аҳолисини газ ва тоза сув билан таъминлайди. Бундан ташқари барпо этиладиган 30дан ортиқ янги қишлоқ гузарлари, 100дан ортиқ маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари, кўплаб савдо дўконлари ҳам қишлоқ аҳли учундир.

Мен юқорида тилга олган барча режалар ўзининг заминига эга. Айни кунларда туманларимизда шу асосда иш олиб борилмоқда. Шуни яна бир бор ишонч билан айтаманки, Тошкент вилояти меҳнаткашлари ғаллакорларимиз эришган бугунги муваффақиятни бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлаб борадилар, вилоят салоҳиятини тиклаш, республикамиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш билан истиқлолимизнинг етти йиллигини муносиб кутиб оладилар.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ОЛИМЛАР ЁРДАМИ

***Янгийўл пахта тозалаш заводи маъмурияти ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масаласига эътиборни тобора кучайтирмоқда. Шу масалада илмий жамоалар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда.***

Корхона муҳандис-техник ходимларининг Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедралари олимлари билан биргаликда олиб борган изланишлари якунланди. Натижада қатор ишлаб чиқариш жараёнларини тезлаштириш ва самарасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тайёрланди. Унда айниқса, хом ашё захираларидан унумли фойдаланишга катта эътибор берилган.

Бундан ташқари, заводда ҳисоб-китоб юмушларини янгича ташкил этишга қаратилган ишлар ҳам олиб борилмоқда. Шу мақсадда дастлабки амалга оширилган техникавий тадбирлар ўнларча минг сўмлаб маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда.

***Акбар АЛИЕВ.***

### МУАЛЛИФИ ХАЙДОВЧИЛАР

***Бекобод автотаксисаройи ҳиссадорлик жамиятида ихтирочилик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Унда қатнашаётган янгилик ихлосмандлари ишлаб чиқаришнинг қолоқ участкаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билан чиқмоқдалар. Бу билан кўп миқдорда жамоа маблағини тежаб қолишга эришмоқдалар.***

Яқинда ҳайдовчилардан Юсуп Аҳмедов ва Анвар Махсумовлар биргаликда олиб борган изланишлари мевасини тақдим этдилар. Улар МАЗ—503 русумли автомашиналар шестерняларини ЛАЗ — 699Р русумли автобуснинг узатмалар қутисига ўрнатдилар. Натижада шундай қисмлари бўлмаганлиги сабабли тўхтаб қолган автобусларни йўналишга чиқариш имкони туғилди.

Ҳисоблар биргина шу таклиф 125 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара келтиришини кўрсатди. Ихтирочиларнинг ҳар бирига 7,5 минг сўмдан мукофот пули тўланди.

***Собир МАҲМУДОВ.***

### ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

***Олмалиқдаги "Албо" Ўзбекистон—Болгария қўшма корхонасининг Тошкентдаги "Технолог" ва агрегат заводи, Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.***

Бу ерда тайёрланаётган тиш пасталарини чиройли пластмасса идишларда қадоқлашнинг йўлга қўйилиши бунга мисол бўла олади.

Айни пайтда қўшма корхонада бозор талабидан келиб чиқиб уч хилдаги болалар ва катталар тиш пастаси, соқол олиш креми ишлаб чиқарилаётир. Йилнинг ўтган даври мобайнида истеъмолчиларга салкам эллик миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Яқин ойларда олмалиқликлар қўл креми, турли шампунлар ишлаб чиқариш ниятида.

### ҚИШЛОҚДА ШАХМАТ КЛУБИ

***Қибрай тумани ёшлари яна бир қулайликка эга бўлди. "Нуроний" хайрия жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан бу ерда замонавий шахмат клуби очилди.***

Туман кооператив савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли чойхона негизида ташкил этилган мазкур клуб ёзги ва қишки залларга эга бўлиб, туман халқ таълими бўлими ва вилоят спорт қўмитаси кўмагида компьютер ва бошқа шахмат анжомлари билан жиҳозланди. Бу эса ёшлар ўртасида спортнинг шахмат турини янада ривожлантириш, нафақат туман, балки, вилоят ва республика мусобақаларини ўтказиш имконини беради.

***Н. ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

### ШОҲИМАРДОН ТОМОН ЙЎЛ ОЛДИ

Чин дўст бошга ташвиш тушганда билинади, дейди доно халқимиз. Шоҳимардонда юз берган табиий офат вилоятимиз меҳнаткашларини ҳам қайғуга солди. Улар шундай бир вазиятда шоҳимардонликларни ёлғиз қолдирмасликка, уларга ёрдам қўлини чўзишга аҳд қилдилар. Вилоятимиздаги барча шаҳарлар ва туманлар, аксарият кўпчилик саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳамда муассасалар жамоалари бу хайри ишда фаол қатнашмоқдалар. Улар сув тошқини оқибатида зарар кўрган иншоотларни тиклашга, моддий зарар кўрган маҳаллий аҳоли бошига тушган фалокатни енгиллаштиришга ҳисса қўшишга бел боғладилар.

Куни кеча турли-туман бинокорлик ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар ортилган 90 та автомашинадан иборат биринчи автожамлама Шоҳимардон томон йўл олди.

***Ўз мухбиримиз.***

# ТОННА ТАЙЁР!

## ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА, ЮКИНГ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

***— дейди биз билан суҳбатда Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр АЗИЗХЎЖАЕВ***

— Вилоятимизнинг 230 минг тонналик улкан ғалла хирмони осонликча бунёд бўлгани йўқ. Аввало у ғаллакорнинг фидокорона меҳнати, омилкорлиги натижаси бўлди. Деҳқон ўз вазифасини сидқидилдан бажарганлиги учун ҳам бепоён далаларда мўл ҳосил етиштирилди.

Аммо очиғини айтиш керакки, деҳқон ҳар қанча омилкор бўлмасин, унинг ҳосил етиштириш билан боғлиқ барча агротехника тадбирларни мукаммал бажариши учун шароит яратилмас экан, кўзланган мақсадга эришиш қийин.

Бу нима дегани? Масалан, экиш мавсумини олайлик. Айтайлик, экин-тикин вақти келди. Уни ўз вақтида амалга оширмасак, совуқ кунлар бошланиб кетади. Натижада белгиланган муддатда уруғ ташланмаган ердан кўчат тўлиқ униб чиқмайди. Ниҳоллар нимжон бўлиб, қишда нобуд бўлиши мумкин.

Шунинг учун вақтида ерни сифатли қилиб экишга тайёрлаб, тезда уруғни сепиб олиш деҳқончиликда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аввало техника етарли ва шай бўлиши керак. Ҳозирги пайтда кўп жойларда техника воситаларининг етишмаслиги, борларининг таъмирталаб бўлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай пайтда деҳқонга кўмак бериш, унинг оғирини енгил қилиш нафақат қишлоқда яшовчиларнинг, балки шаҳарликларнинг ҳам муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Чунки ғаллакор мўл ҳосил етиштирса ҳаммамизнинг дастурхонимизга барака киради. Турмушимиз файзли бўлиб бораверади.

Шаҳримиз меҳнат жамоалари ана шуни назарда тутиб, Ўртачирчиқ тумани деҳқонлари билан оталиқ ёрдами тўғрисида шартнома имзолашган. Шундан келиб чиққан ҳолда деҳқонларга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Берадиган ёрдамимиз мунтазам ва самарали бўлиши учун ана шу йўналишда аниқ тадбирлар ишлаб чиққанмиз.

Масалан, бу йилги экин-тикин ишларининг тез ва соз бажарилишини таъминлаш учун эрта баҳордаёқ Ўртачирчиқ туманига 12 та турли хил тракторлар жўнатдик. Техника воситаларининг бенуқсон ишлашига эришиш мақсадида таъмирловчи усталар, эҳтиёт қисмлар юбориб турилди.

Натижада аввало деҳқонларнинг ҳалол, унумли меҳнати, қолаверса, биз берган камтарона ёрдам туфайли Ўртачирчиқ тумани ғаллазорларида ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди.

Тўғри, мўл ҳосил етиштириш қийин, машаққатли иш. Катта хирмон йўлидаги муҳим қадам. Аммо халқимиз даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб деб бекорга айтмаган. Ғалла сероб бўлсаю, ўрим-йиғим пайтида ғанимат кунларнинг қадрига етилмаса, йил бўйи қилинган меҳнатга куйиб қолиш ҳеч гап эмас.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги шуни назарда тутиб, саноат корхоналари раҳбарлари иштирокида ғаллакорларга бериладиган оталиқ ёрдами бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқди. Ҳар бир саноат корхоналари жамоалари олдига аниқ вазифалар қўйилди. Шунга кўра ғалла ўрим-йиғими арафасида Ўртачирчиқ туманига буғдой ташиш учун ҳайдовчи билан 20 та автомашина жўнатилди. Бундан ташқари 10 та кўчма устахона ташкил этилиб, ҳар бирига газ ва электр пайвандлаш аппаратлари, турли созловчи мутахассислар бириктирилди.

Бериладиган оталиқ ёрдамининг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида туманда махсус штаб ташкил этдик. Штаб аъзолари ҳар куни кечқурун шаҳар ҳокимлигига қўнғироқ қилиб, ишларнинг боришидан хабардор қилиб турадилар. Агар бирорта қўшимча ёрдам керак бўлса, уни ҳам бизга етказишади. Биз ўз навбатида муаммонинг ечимини топиб, эрталабданоқ масаланинг ҳал бўлишини таъминлаймиз. Шу йўл билан нафақат ўзимиз юборган техника, балки хўжаликлардаги машина-механизмларнинг ҳам мунтазам, бетўхтов ишлаши таъминланди.

Натижада кун сайин ўрим-йиғим суръати кўтарилди. Нобудгарчиликнинг олди олинди. Ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, фидокорлик ўз самарасини берди. Туман ғаллакорлари қисқа муддатда ўз зиммаларига олган топшириқларини бажардилар. Улар 10.900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 36,5 центнердан ҳосил олиб, давлатга 24,5 минг тоннадан зиёд сара дон топширишди.

Биз Тошкент вилояти ғаллакорларининг улкан ғалабасига ўз улушимизни қўшганимиз билан фахрланамиз. Шаҳарликлар бундан буён ҳам деҳқон биродарларимизга кўрсатаётган беминнат ёрдамларини бир дам ҳам бўшаштирмайдилар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштириб, уни ўз вақтида саранжомлаб олишга астойдил кўмаклашадилар.






**СУРАТЛАРДА:** *"Ангрен" ширкат хўжалиги комбайнчиси Нурбой Борлибоев (чапдан ўнгга) бош муҳандис Мамат Хожиакбаров, хўжалик раҳбари Шарофиддин Нурмуҳаммедовлар мавсум якунлари, сабоқлари ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар. Етиштирилган ғаллани тез ва соз йиғиб-янчиб давлатга топширишда ота-бола комбайнчилар Иброҳим ва Дилмурод Ҳакимовлар ҳам намуна кўрсатдилар.*




## ЎН БИР ИШ КУНИДА

***"Ангрен" ширкат жамоаси Оҳангарон туманида биринчи бўлиб ғалла топшириш буюртмасини бажарди. Дон қабулхоналарига 1378 тонна сара буғдой топширилди. Хўжалик режаси ўн бир иш кунида уддаланди. Ҳар гектар майдондан 38 центнердан хирмон кўтарилди.***

— Биз бу йил "Скифянка", "Спартанка" ва "Юна" навли дон етиштирдик, — дейди хўжалик раҳбари Шарофиддин Нурмуҳаммедов. Ҳосилни тез ва сифатли ўриб-янчиб олишда Мавлуда Серкабоева, Неъматжон Ҳамроқулов, Абдумўмин Умаровлар бошлиқ бригадаларнинг ғаллакорлари алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Комбайнчилардан Нурбой Борлибоев, Шавкат Рўзиматов, Эгамберди Сулаймонов, ҳайдовчилардан Анвар Исматуллаев, Ином Умирзоқов, Имомали Аҳмадалиевлар самарали меҳнат қилдилар.

Хўжаликда жами 1072 гектар майдонда, шу жумладан 450 гектар суғориладиган ерда ғалла етиштирилди. Режа эса асосан суғориладиган майдонлар ҳисобига бажарилди. Хўжаликнинг ҳали 600 гектардан кўпроқ бўз ерларида ғалласи бор. Мавжуд бешта оддий, битта "Кейс" русумли комбайнлар билан кеча-кундуз ғалла ўрибянчилмоқда.

"Ангрен" хўжалиги деҳқонлари давлатга ғалла топширишни бир ярим минг тоннадан оширишга аҳд қилишган.

Яқинда Оҳангаронда яна бир қувончли хушхабар тарқалди. "Бирлик" жамоа хўжалиги ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш режасини ўн икки иш кунида бажарди. Ҳар гектар суғориладиган майдондан 39 центнердан ғалла етиштирилди ва давлатга 1126 тоннадан кўпроқ ғалла топширилди.

Етиштирилган ғаллани ўриб-янчиб олиш ва давлат омборларига топширишда Оҳангарон туманидаги "Оҳангарон" ҳиссадорлик жамияти, Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги пешқадамлиқ қилмоқда. Бу хўжаликларда тайёрлов пунктларига кунига ўн икки—ўн беш фоиздан ғалла топширишга эришилаяпти. Умуман Оҳангаронда ғалла ўрим-йиғими ўтган йилдагига қараганда анча тез ва жадал боряпти. Ҳар куни ғалла тайёрлов омборларига 1000—1300 тоннадан ошириб дон етказиб беріляпти. Туман деҳқонлари бу йил 30 минг тоннадан ошириб ғалла хирмони кўтаришга аҳд қилганлар.

***Мўмин ҚАЮМ.***

## КАМАРБАСТАМИЗ

***ҲАР ЙИЛГИ ғалла ўрим-йиғими мавсуми биз учун ҳам катта синов ҳисобланади. Бу ишда ғаллакорлар билан бир сафда, елкама-елка туриб меҳнат қилиш, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай ўз вақтида давлат омборларига етказиб бериш масъулияти жуда каттадир. Шунинг учун транспортчиларимиз бу ишга олдиндан ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрадилар.***

Жорий йилда ҳам шундай бўлди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 4 апрелидаги 240-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг шу асосда чиқарган қарорига мувофиқ ғалла ташишда қатнашишга 150 та автомашина ажратишимиз керак эди. Ҳамма туманларда транспортга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиб чиқдик. Шундан кейин вилоят дон маҳсулотлари бирлашмаси ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома туздик. Шунга мувофиқ ҳар куни ғалла ташишга ками билан 650 та юк автомашиналарини ажратиб турдик. Талабга қараб уларнинг сони кўпайтирилиб 680 тагача етди. Бундан ташқари ўнлаб тиркамалар ва ярим тиркамалар ҳам ишлатилди.

Концернимизда ғаллани ташишга раҳбарлик қилиш бўйича штаб ташкил этилди. Унга концерн раҳбари С. Юсупов бошчилик қилди. Штабнинг ҳар бир аъзоси маълум бир ғаллакор туманга бириктиб қўйилди. Штаб туну кун ишламоқда. Натижада транспортларимизнинг иши доим назорат остида бўлди, пайдо бўлган муаммолар зудлик билан ижобий ҳал қилиняпти.

Концернимизга қарашли 12 та автокорхона жамоаси ғалла ташишда қатнашмоқда. Туманлардан ташқари барча шаҳарлардаги корхоналаримиз ҳам транспорт воситаларини ажратдилар. Ҳар бир машинанинг бортлари кўтарилди, брезентлар билан таъминланди. Бу ҳар бир рейсда кўпроқ ғаллани ташиш, унинг тўкилиб исроф бўлишининг олдини олиш имконини бермоқда. Айни вақтда ҳар бир автомашина учқун ўчиргичлар билан ҳам таъминланди. Бу тадбир ёнғин хавфини бартараф этади.

Ғалла ташишдек масъулиятли ва шарафли юмушни бажаришда қатнашаётган барча автотранспорт воситаларининг унумли ишлашига қаратилган тадбирлар ҳам кўрилди. Аввало, улар жуда пухта ва сифатли созланди, барча муҳим узеллари синчковлик билан текширишдан ўтказилди. Ҳозир ҳам улар тез-тез техника кўригидан ўтказилиб турилияпти.

Қатор кўчма устахоналар ташкил этдик ва уларнинг самараси яхши бўлмоқда. Биргина Қуйичирчиқ туманида, унинг ғалла майдони катталиги ва умумий ҳосили кўплигини ҳисобга олиб, бешта шундай устахона барпо этилди. Юқоричирчиқ туманида иккитаси, бошқа туманларда ҳам ишлаб турипти. Улар ҳайдовчилар оғирини енгил қилишаяпти, автомашиналарда содир бўлган бузилишлар ва носозликларни тезда бартараф этмоқдалар. Бу билан транспорт воситаларидан унумли фойдаланишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, ғалла ташишда қатнашаётган барча автокорхоналар жамоалари фидокорона меҳнат намуналарини намойиш қилмоқдалар. Айниқса, Қуйичирчиқдаги 81-, Бекободдаги 16-, Алимкентдаги 46-, Янгибозордаги 121-, Чирчиқдаги 2-, Тўйтепадаги 74-автокорхоналар, Янгийўлдаги 2503-автожамламаси ҳайдовчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ғалла ўрим-йиғими бошланганидан бери ҳали транспортчиларимизнинг номаъқул ишлари ҳақида бирор марта ҳам шикоят тушмади. Бу ҳам қувончли бир ҳолдир.

Ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тартиби ҳам жорий қилинган. Меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришаётган транспортчиларга турли миқдорда пул мукофотлари берилмоқда. У кўпинча даланинг ўзида, бевосита иш жойида берилмоқда. Бу ҳам ҳайдовчиларимизни унумли ишлашга ундамоқда. Бундан ташқари, корхоналарда ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари ташкил этилди, улар ҳар куни тиббиёт кўригидан ўтказиб турилди, бир маҳал пулсиз овқат билан таъминландилар. Қисқаси, жамоамиз аъзолари кучи билан қишлоқдан давлат омборларига жами ғалланинг тўқсон беш фоизига яқини ташилди.

Бугун ғаллакорларимиз катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга дон топшириш режаси шараф билан бажарилди. Биз, транспортчилар уларни бу меҳнат ютуғи билан қизғин табриклаймиз, бу муваффақиятда ҳиссамиз борлиги билан бениҳоя ғурурланамиз. Ғаллакорларимиз зиммаларига олган мажбуриятни бажаришлари учун қўлимиздан келганича ёрдамимизни аямаймиз. Бундан буён ҳам уларга камарбаста бўлиб қолаверамиз.

***Ўзбек АЗИЗОВ,***
***"Тошвилоятюктранс" концерни бошлиғи ўринбосари.***

*Тажриба ва таҳлил*

## "ЖАДАЛ" ЖАДАЛЛАШТИРДИ

***Энг яхши кўрсаткичларга, табиийки, пухта ўйланиб тузилган тадбир ва унинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жараёнида эришилади. Тошкент туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида кўпни кўрган деҳқонларнинг ташаббуси ва маслаҳати билан ўтган йили кузида шундай тажрибага қўл урилди.***

Ҳар бири 40 гектарлик ёнма-ён икки майдон танланиб, буғдой экишга тайёрланди. Бир майдонга "Скифянка", иккинчи майдонга эса ўзимизнинг олимларимиз томонидан яратилган "Жадал" навли буғдой экилди. Ҳар икки нав буғдой ҳам бир хил шароитда ўстирилди, парвариш қилинди. Натижа деҳқонлар кутгандек бўлди. Ҳар икки навдан ҳам юқори: 50—51 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

Айтиш мумкинки, айрим пудратчилар далаларида "Жадал"нинг ҳосилдорлиги жуда юқори бўлди.

Лекин бу ҳосилни ўриб-йиғишга, одамларни қизиқтиришга амалий ёндошилди. Кимки режадан ошиқ ҳосил олса, бу ҳосилнинг қиймати ҳисобидан пул тўланади. Бу бир. Иккинчидан, 50 центнердан ошириб ҳосил топширганларга телевизор, видеомагнитофон, гилам ва бошқа қимматбаҳо совғалар мукофотга берилади.

Ҳеч ким бу мукофотдан қуруқ қолишни истамасди, албатта. Шунинг учун ҳам астойдил ишга киришдилар.

Хўжаликда ўрим техникалари, айниқса, "Кейс"дан фойдаланишга ҳам янгича ёндошилди. Комбайнчиларга яхши шарт-шароит яратиб бериш билан бирга уларнинг иш сифати алоҳида назорат қилиб борилди. Шундай пайт бўлдики, баъзи комбайнчилар айрим ҳолларда сон орқасидан қувиб, оқибатда чарчаб, сифатга путур етказа бошладилар. Уларга қаттиқ гапирилмади. Бир-икки соатга бўлса ҳам ишни тўхтатинг, дам олволинг, дейишди. Бу гапни эшитган комбайнчи ҳайрон. Биз бошқа жойда ишлаганимизда "ҳа бўл, ҳа бўл" деб холи-жонимизга қўйишмасди-ку, сизлар бўлсаларингиз... Бизга ҳайбаракаллачиликнинг кераги йўқ, деб айтишди. Ҳақни зиёдаси билан олган, руҳлари кўтарилган комбайнчилар ниҳоятда унум билан ишладилар. Шунинг учун ҳам хўжалик 12 июнда ўримга тушган бўлса, бир ҳафта муддат ичида режасини бажарди. 800 тоннадан ошириб аъло сифатли маҳсулот топширди.

"Ўзбекистон"лик деҳқонларнинг мавсум сабоғи шундай бўлди. Ғалла беғубор ўсимлик. Очиғини айтиш керак, унчалик кўп меҳнат ҳам талаб қилмайди. Лекин бу тармоқда қунт ва ихлос муваффақиятни ҳал қилади. Қайси нав экканимиз маъқул, қай бири афзал, дейишади. Агар қарови ўрнига қўйилса ҳар бир навдан ҳам юқори ва рисоладагидек ҳосил олиш мумкин. Демоқчиманки, ўзимизнинг олимларимиз ҳам кўп навлар яратиб қўйишган. Бу навларнинг уруғини саралаб, яхши эксагу, бироқ яхши қарамасак, мўлжалдаги ҳосилни ололмаймиз-да, "пуф сассиқ"қа чиқариб қўямиз! Бу инсофдан эмас. Мана, бизнинг тажриба шуни кўрсатдики, ҳамма гап қунт ва ихлосда, қаровда. Бунга мисоллар кўп. Мана, пудратчи Нурлан Жониқуловни олайлик. У 2,5 гектар майдонда "Жадал" навидан 60 центнердан ҳосил олди. Ҳар гектар ҳисобига 500 сўмдан ойлик иш ҳақи тўлаб бордик. Бундан ташқари у режадан ортиқча топширган ғалласи учун 30 минг сўмдан ортиқ пул ҳам олди.

Файзи Ёқубов ҳам тўрт гектар ерда "Жадал" етиштирди. Қаранг, жуда уста, ўз касбига садоқатли деҳқон экан. 63 центнер хирмон кўтарди. Қўшимча 66 минг сўм пулни мукофот қилиб бердик. Бундай деҳқонлар кўп.

— Режага қўшимча маҳсулот ҳам топширдиларингми?

— Топширдик, — дейди раис. — Лекин бир нарсага қатъий келишиб олдик. Энди бундан буён қўшимча топшириладиган маҳсулотга ҳам албатта шартнома тузилиши керак, бусиз маҳсулот топшира олмаймиз, деган қарорга келдик. Бошқа хўжаликларда ҳам шундай қилинмоқда.

Тўғри-да, раиснинг айтишига қараганда "Тошдонмаҳсулот" ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йили топширилган ҳосил учун ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб, ҳақни тўлаб турган эди. Бу йил эса бир марта аванс берилди холос. Лекин топширилган маҳсулотга ҳақни ўз вақтида беришни пайсалга солишяпти. Шундай шароитда қўшимча топшириладиган маҳсулотни шартномасиз худди текинга бериб юборгандек бўлардик-да.

Биз раисдан келгуси мавсумдаги режаларини сўраймиз.

— Нав масаласини келишиб, ўзимиз ҳал этамиз, — дейди раис Баҳодир Боймуҳамедов, — энг асосий режамиз — бу деҳқонни рози қилиш. Деҳқонни рози қилсак, меҳнатига яраша рағбат кўрса ҳар қандай муаммони, масалани еча бўлади. Чунки бозор иқтисоди шунга олиб келдики, ҳозирги пайтда далада ўз касбига берилган, ҳақиқий деҳқонларгина қолди. Уларга ўргатишнинг, уни қил, буни қил, деб кўрсатмаю, ҳар хил маслаҳатлар беришнинг менимча ҳожати йўқ. Уларга шароит яратиб, ҳаққини вақтида тўлаб, кайфиятини кўтариб турсангиз бўлгани.

Лекин деҳқонни рози қилиш эса хўжалик раҳбаридан катта ташкилотчилик ишларини олиб боришни талаб этади. "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги раҳбарияти бунинг уддасидан чиқмоқда.

***Носир РИХСИЕВ.***

*Қишлоқ ва ислоҳот*

## БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАСИ

***Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги даврда бизнинг хўжалигимизда ҳам иқтисодий самарадорлик пасайиб кетди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Ҳамза номли хўжалик ҳам санацияга олинди. Унинг иқтисодиёти ночор аҳволга тушиб қолгани сабабли хўжаликнинг қарзлари кўпайиб, бундан кейин, агар, иқтисодий соғломлаштириш йўлига ўтилмаса ва қолоқликдан чиқишнинг йўллари топилмаса, аҳвол яна ҳам оғирлашиб, ҳатто, хўжаликни тарқатиб юбориш хавфи пайдо бўлиб қолди.***

Мен бу ерга раис бўлиб келгач, вазият билан чуқур танишганимдан сўнг масъулият қанчалик катта эканлигини тушундим. Ишга янгича ёндошиш, ишбилармон ва тадбиркорларга суяниб, бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиш, ердан кўпроқ ҳосил олиш, моддий манфаатдорликни таъминлаш биринчи галдаги вазифа эди. Хўжаликни кўтариш юзасидан тузган дастурим кўпчиликка маъқул бўлди. Унда ҳамма нарса, жумладан, ер, сув, техника, асбоб-анжомлар ва ҳатто ишчи кучларини ҳам қайта ҳисобдан ўтказишни кўзда тутгандим. Мутахассислар билан бирга бизнес режа тузиб чиқдик. Бу ерда йиллар давомида пахта ва ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 8—10 центнер атрофида бўлиб келган. Бу деҳқончиликдан тушган даромад эса қилган сарф-харажатларни қоплай олмайди, албатта.

Вазиятдан чиқиш учун энг аввало деҳқончилик маданиятини кўтариш, уруғчилик, экинни суғориш ва озиқлантириш, қатор ораларига ишлов беришни талаб даражасида ташкил этиш билан бирга, бу ишларни амалга оширадиган кадрлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш ҳам лозим эди. Биз пахтачилик ва ғаллачиликда меҳнатнинг оилавий пудрат усулини танладик. Барча экин майдонлари оилалардаги ишчи кучларининг имкониятига қараб бўлиб берилди. Ғалла экилган 425 гектар ерни эса 54 оила ўз измига олди. Биз бу ерларни истаган одамга эмас, балки ғаллачиликни чуқур тушунган, унга ишлов бериш йўлларини яхши биладиган, меҳнатдан қочмайдиган кишиларга бўлиб бердик. Улар ишончни оқлаб, ўтган йилнинг кузида экинни икки марта суғориб, ҳар гектар ерга 700 килограммдан ўғит солишди, 15 тоннадан чиритилган гўнг беришди. Ўрим бошлангунга қадар яна тўрт марта сув таратишди. Бегона ўтлардан тозалашди. Ўзларига ажратилган майдонларга мол-ҳол кириб, пайҳон қилишига йўл қўйишмади.

Мана, натижа. Қисқа вақт ичида ҳар бир гектар ердан 30 центнердан юқори навли буғдой янчиб, давлатга 1095 тонна ғалла топширишга эришдилар. 15 кунда давлат буюртмаси режаси муваффақиятли бажарилди. Ҳозиргача эса сотилган ғалланинг миқдори 1155 тоннага етди. Йўлчи Карабашов, Асқар Эшонқулов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик ҳатто 35—38 центнерни ташкил этди.

Эришилган бу муваффақият хўжаликни инқироздан олиб чиқиб, ривожлантириш учун амалга оширилган тадбирларнинг илк натижаси. Хўжалигимизда ғалла ўрим-йиғими давом этяпти. Хирмонга тушаётган дон энди деҳқонларимизнинг омборларига тўкилади, уларнинг ҳалол меҳнатлари самараси бўлади. Биз ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб, такрорий экинлар экиш чораларини ҳам кўряпмиз.

Сирасини айтганда, пахтазорларимизда ҳам экиннинг ривожи, тўпланаётган ҳосилнинг салмоғи дуруст. Ғалла сингари пахта ҳам бизнинг асосий даромад манбаимиздир. Шу сабабли экинни маромида парвариш қилиш, чилланинг ҳозирги иссиқ кунларида уни сувдан, озуқадан толиқтириб қўймай, ишловни вақтида бериш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Ишончимиз комилки, ғаллачиликда эришилгани сингари пахтачиликда ҳам кўзланган мақсадга етамиз. Бир йилдаёқ хўжалигимизнинг ривожланиш йўлига чиқиб олишига муваффақ бўламиз.

***Жумадилла ЎРОЗБОЕВ,***
***Қуйичирчиқ туманидаги Ҳамза номли ширкат хўжалигининг раиси.***

